

## ЖИНОЯТ ҲАҚИДАГИ АРИЗА ВА ХАБАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИДА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Химматов Исмоил Иброхимович**

ИИБ Академияси бошлиғининг ёрдамчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568493>

**Аннотация.** Мақолада жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, дастлабки терговнинг моҳияти механизмлари ҳақида баён этилган.

**Таянч сўзлар.** дастлабки тергов, судда ишни юритуви, жиноят процесси, жиноят-процессуал иш юритуви, даллларни йиғиш, жиноятни очиш.

Мамлакатимизда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиб-тамойиллари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди<sup>1</sup>.

Ҳозирда мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар бевосита ички ишлар органларига ҳам тааллуқли бўлиб, жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади қилиб белгиланди. Мазкур ислохотлардан кўзланган мақсад, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жинойий тажовузлардан муҳофаза қилиш асосий вазифаси этиб белгиланган. Шу жумладан дастлабки терговнинг моҳиятини билиш унинг мазмуни, шакли ва уларнинг табиий боғланишини узвий алоқа ва ўзаро таъсир қилиш жиҳатидан кўриб чиқилишини тақозо этади. Мазкур ёндошув муҳим бир методологик қоидага таянади, яъни мазмун шакл доирасидан чиқмайди, шакл эса мазмуннинг воқелиқдаги кўриниш усули, унинг ифодаси деб тан олинади. Ҳуқуқий шакл жиноят процессуал иш юритувнинг ташқи кўриниши сифатида тенг равишда унинг моҳиятини акс эттиради.

Ҳуқуқ нормаларига биноан жиноят процессининг мазмунига оид жиҳатини фаолият ташкил этади ва у процессуал функциялар тизими сифатида жиноятни очилишига, айбланувчиларнинг фош этилишига, жиноят ишини қонуний ва адолатли ҳал этилишига қаратилган.

“Дастлабки тергов” тушунчаси мазмун жиҳатидан ваколатли давлат органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда тегишли фаолиятни амалга оширишдан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

иборатдир ва шу фаолият жиноятни очилишига, айбланувчиларнинг фош этилишига, жиноят ишини юритувида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда мазкур ишлар бўйича асосланган ва адолатли қарорларни қабул қилиш билан боғлиқдир<sup>2</sup>.

Аксарият ҳолларда жиноят процесси унинг алоҳида босқичлар тизими сифатида намоён бўлади. Агар, масалан, дастлабки терговни ўтказиш натижасида иш тугатилса (бекор қилинса), бу ҳолда жиноят процесси амалга оширилган тергов билан чекланиб қолади. Бундай ҳолларда дастлабки тергов жиноят процессининг алоҳида қисми сифатида эмас, балки бутун жиноят процессини ўз ичига қамраб олган жараён сифатида намоён бўлади. Акс ҳолларда у жиноят процессининг бир босқичи сифатида кўриниб, унда йиғилган материаллар жиноят ишлари бўйича судда кўриш учун асос бўлади. Дастлабки терговнинг қайси бир процесс босқичларига мансублиги тўғрисидаги масалага жиддий ёндошсак, бу ҳолларда жиноят процесси ўз ичига иккита суддан аввалги босқичларни қамраб олади (жиноят ишини қўзғатиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов босқичларини), аммо биз онгли равишда жиноят ишини қўзғатиш босқичини кўрсатмасдан, фақат дастлабки тергов босқичига эътибор қаратганмиз, негаки жиноят ишини қўзғатиш босқичи тайёрлов босқичлари қаторидан жой эгаллаб, унда жиноят процессининг асосий функциялари тўла равишда ўз ифодасини топмаганлиги учун, уларни татбиқ этилиши учун жиноятнинг аломатларини аниқлаш ҳаракатлари ўтказилади.

Дастлабки тергов ва судда ишни юритуви жиноят процесси тизимининг ажралмас ҳоссалари сифатида намоён бўлиш вазиятларида, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги сифат бўйича янги, интегратив хусусиятни юзага келишини таъминлаб беради. Дастлабки терговнинг ўзи жиноят процессининг ўзга босқичларисиз ушбу жараённинг барча мақсадларини қўлга киритилишини таъминлай олмайди (айбланувчини айбдор деб ҳисоблаб, унга жазо белгилай олмайди). Бошқа тарафдан, дастлабки терговсиз хусусий айблов билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича судда ишни кўрилиши одил судловни амалга ошириш услуби сифатида хизмат қилишга ожизлик қилади.

Дастлабки тергов билан судда ишни юритуви умумтизимий мақсадларга етишиш, жиний қилмишнинг аломатлари ва унинг ҳолларини аниқлаш мақсадларида олиб борилади ва айнан шу ҳоллар билан жиноятнинг содир этилиши билан боғлиқ ҳоллар жиноят-процессуал иш юритувининг ягона исботлаш предметини ташкил қилади. Исботлаш воситалари сифатида ягона процессуал талабларга жавоб берувчи фактик маълумотлардан фойдаланилади, исботлашнинг ўзи эса барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиш принципига монанб бўлиши шарт. Фақатгина мазкур ва баъзи бир бошқа шартларнинг бажарилиши ва уларга риоя қилиниши натижасида тергов материалларини судда кўрилиши учун схизмат қилиши мумкин.

Дастлабки тергов тушунчаси ўзининг умумий кўринишида суддан аввалги иш юритувнинг функционал жиҳатини инъикос этади. Дастлабки терговнинг умумий функциялари воқеликдаги қонуниятларни кўрилиши натижасида аниқланиши

<sup>2</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/dastlabki-tergov-uz/>

мумкин, чунки айнан шу қонуниятлар процесснинг мазкур босқичининг табиатини ва унинг потенциал (эҳтимолдан ҳоли бўлмаган) имкониятларини белгилаб беради.

Агар жиноят иш юритувини бошлаш учун жиноятнинг таркиби борлигини кўрсатувчи маълумотларнинг мавжудлиги зарур бўлса, унинг тамомланиши учун жиноят таркибига кирувчи ва ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш талаб қилинади, яъни дастлабки тергов жиноятни тўлиқ очилишигача, уни содир этган шахсни фош этилишигача олиб борилади. Лекин шунда шахсни асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш, тергов соҳасига жалб этилган шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан бошқа ҳуқуқбузарликларни вужудга келишини бартараф этилиши лозим.

Жиноят ишини кўзғатилиши вақтига жиноятнинг алоҳида аломатлари аён бўлсада, лекин уни содир этган шахснинг кимлиги ноаниқ бўлса терговчи ва суриштирувчи олдида жиноятни тўла очиш вазифаси зарурий ва талабга эга бўлган шарт сифатида намоён балади. Жамиятнинг бу борадаги эҳтиёжи ҳар бир содир этилган жиноятни очилишига қаратилган бўлиб, мазкур эҳтиёжнинг қондирилиши эса объектив имкониятларга эга.

Методологик жиҳатдан “жиноятнинг излари” га оид тушунча ўзида “жиноят” ва “излар” тушунчаларини бирлаштирган. Ҳар бир жиноятдан у ёки бу излар қолади деган қонуният мавжуддир. Мазкур қонуният моддий объектларни инъикос қилишининг умумий қобилиятини хусусий кўринишларидан бири сифатида намоён бўлади. Бу хусусият эса жиноятни очилиши учун энг муҳим асос сифатида хизмат қилади.

Агар ҳар бир жиноят изларини қолдирса ва бу излар унинг жиҳатлари тўғрисида тегишли ахборотга эга бўлса, демак бу қилмишни билиш имконияти туғилади, лекин бунинг учун жиноятнинг унга мутаносиб бўлган мантиқий моделини ишлаб чиқиш зарур.

Жиноятни гносеологик тарафдан очиш унинг моҳиятини билиш жараёни сифатида ифодаланиб, жиноятнинг алоҳида аломатлари ва белгиларини аниқлашдан бошлаб, иш бўйича ҳақиқатни аниқлагунга радар давом этади ва шундагина жиноятга алоқадор ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган зарурий элементлар иш бўйича йиғилган далиллар билан ўз тасдиғини топади. Жиноят излари далил мақомига эга бўлгандан сўнг жиноятни очилишининг воситаси сифатида намоён балади. Аммо шу билан бирга мазкур далилларни аниқлаш ва қайд этиш учун ниҳоятда мураккаб ишларни амалга ошириш талаб қилинади.

Жиноят иши бўйича йиғилган далиллар атрофлича, синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. “Жиноят излари”, жиноят изларини аниқлаш ва қайд этиш”, даллларни йиғиш”, „далилларни тек шириш”, “процессуал қарорни қабул қилиш” (масалан, шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш қарорини чиқариш)- дастлабки терговнинг асосий функцияси бўлмиш – жиноятни очиш функциясининг инъикос этиш фалсафий назариясидан олинган тушунчалар қаторида ўз ифодасини топиши бежиздир.

Қонун томонидан ўрнатилган жиноят-процессуал процедура процесснинг бошқа лекин муҳим бўлган хусусиятини намоён қилади ва “жиноят ишларини юритиш тартиби” тушунчаси билан ифодаланади. Мазкур тушунча бошқа махсус процессуал

тушунчалар қаторида муҳим ўрин эгаллаб, иш бўйича юритувнинг муайян тузилмалари ва шакллари акс этади. Улар қаторига “жиноят ишини қўзғатиш” ва “дастлабки тергов” тушунчалари киради. Оҳиргиси “суриштирув” ва “дастлабки тергов” тушунчаларида ифодаланади<sup>3</sup>.

Жиноят изларининг таърифи ва эҳтимоллик жиҳатидан жойланишига қараб, уларни кечиктириб бўлмас ҳолатда аниқлаш ва қайд этиш зарурлиги, шунингдек бошқа омиллар – тергов ҳаракатларининг турларини ҳилма-ҳиллигини белгилаб беради. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, олиб қўйиш, жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилиш, гувоҳлантириш, шунингдек уларни дастлабки равишда ёки кечиктириб бўлмаслик жиҳатидан ўтказиш тарифи тегишли процессуал тушунчаларда воқеликка тўғри равишда ўз ифодасини топади.

Юқорида кўрсатилган ва бошқа тергов ҳаракатларини амалга ошириш натижасида жиноятнинг излари у ёки бу турдаги далиллар мақомига эга бўлиб, (ашёвий далиллар, жабрланувчи ёки гувоҳнинг кўрсатувлари ва ҳоказо) бевосита ва билвосита, айблов ва оқлов далилларга бўлинади. Процессуал қарорлар ҳам маълум тур ва гуруҳларга бўлинади: дастлабки (маса лан, жиноят ишини қўзғатиш ва ишни ўз юритувига олиш тўғрисидаги қарор), оралик (шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш қарори) ва яқунловчи (чунончи, жиноят ишини тугатиш қарори).

Кўриниб турибдики “жиноятни очиш” ва “дастлабки тергов” тушунчалари ўртасидаги субординация шундан иборатки дастлабки тергов жиноятни очилишига схизмат қилади. Жиноятни очиш ҳаракатлари эса асосан суриштирув ва дастлабки тергов чегараларида амалга оширилади. Бошқа тарафдан, дастлабки терговга жиноятларни очиш назария ва амалиёти таъсир кўрсатади, шунингдек бошқа тергов функцияларининг амалга оширилиши ҳам таъсир қилади.

Жиноятни очиш билишнинг бир тури сифатида ички тарафдан ниҳоятда зиддиятларга эга ва мазкур зиддият изланаётган факт ва ҳоллар тўғрисидаги зарурий ахборотни етишмаслиги ва айнан бир пайтда шу факт ва ҳолларнинг мавжуд бўлишида ифодаланади. Жиноят тўғрисидаги фактик маълумотларни Олиними ва тўпланиши натижасида жиноят тобора очилиб боради, ишлаб чиқилган тусмоллар қаторидан бора бора фақат ягона тўла равишда воқеликка мутаносиб тусмол қолади, аниқланиши лозим бўлган хоссалар ва ҳолларнинг сони тобора камайиб боради ва ниҳоят шу зиддият жиноятни тўла очилиши билан ечилади.

Асосий процессуал функциялардан ташқари (жиноятни очиш, жиноят содир этган шахсни фош этиш ва бошқ.) дастлабки тергов босқичида бошқа функциялар ҳам амалга оширилади, чунончи, айбланувчининг тергов ва суддан бўйин товламаслиги, жиноятдан келтирилган зарарни қоплаш, яъни ҳуқуқни тиклаш функциясини амалга оширилади ва ҳоказо.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни

<sup>3</sup><https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/dastlabki-tergov-uz/>

амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / қонунчилик маълумотлари  
миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/dastlabki-tergov-uz/>
3. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/dastlabki-tergov-uz/>
4. <https://lex.uz/acts/111460>